Куч — адолатда

2011 йил,
19 август,
жума
№ 33 (339)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Мустақиллик йилларида халқимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланди. Одамларда Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳар томонлама равнақ топиши учун сидқидилдан меҳнат қилиш завқи пайдо бўлди.

Бугун мамлакатимиз саноатидаги ўзгаришлар, иқтисодиётимиз, маънавиятимиздаги юксалишлар, ёшларимизнинг камолоти қалбларимизни фахр-ифтихор туйғуларига, шукроналик ҳисларига ошно этмоқда.

ШИЖОАТ, ФИДОЙИЛИК, МЕҲНАТСЕВАРЛИК

ютуқ ва муваффақиятларимизнинг ҳаётий асосидир

Президентимизнинг қарорига асосан ўтган йили Андижон вилоятидаги турар-жой даҳаларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш, халқимизнинг турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланиб, ана шундай бунёдкорлик, ободонлик ишлари учун 1 триллион 696 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Андижон туманининг биргина Оқёр қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Истиқлол" кўчасига ташриф буюрган киши ҳар бири индивидуал лойиҳа асосида қурилган замонавий, бири бирини такрорламайдиган кўринишдаги кўпқаватли уйлардан иборат файзли маҳаллани кўриб, ҳаваси келади. Ҳар бири 6 сотиҳдан 57 ҳовлижойдан ташкил топган бу маҳалла худди бир чаманга ўхшайди.

Оқёрнинг Нўхотак маҳалласида "Қишлоққурилишлойиҳа" институти лойиҳаси асосида 2010 йилда 70 оилага мўлжалланган бир ва икки қаватли уйжойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

(Давоми тўртинчи бетда)



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2011 йил 20 июль № 05 Тошкент шаҳри

Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида

Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўллаш амалиёти судлар ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни асосан тўғри ҳал этишаётганликларини кўрсатади. Шу билан бирга, судлар фаолиятида мазкур қонунчиликни қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд.

Мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг судлар томонидан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши мулк дахлсизлиги ва мерос ҳуқуқи қўриқланишига доир конституциявий кафолатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси) таъминланишининг ўта муҳим воситаси ҳисобланади.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону-шуҳратимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз гаровидир. Бу энг улуғ, энг азиз истиқлол айёмининг бу йилги шукуҳи ўзгача.

Байрам арафасида юртимизнинг барча шаҳару қишлоқлари ўзига хос чирой очди. Энг муҳими, халқимиз бу танатанани кўтаринки руҳ билан қаршиламоқда. Зеро, мустақиллик туфайли мамлакатимиз тараққиёт, юксалиш сари қадам қўйди, фуқароларимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этилди.

Истиқлолимизнинг ўтган йигирма йили мобайнида юртимизда амалга оширилган барча ислоҳотларнинг замирида, аввало, инсон манфаати, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи олий қадрият сифатида эътироф этиб келинаётгани, мамлакатимизнинг энг катта бойлиги бунёдкор ва бағрикенг халқимиз эканлиги мужассамдир.

Таъкидлаш жоизки, инсоният тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири бўлган инсон ҳуқуқлари ғояси кўплаб халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзагини ташкил этади. 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида инсон ҳуқуқлари тизимининг энг асосий қоидалари назарда тутилади.

Унга кўра, эркинлик, тенглик ва бағрикенглик тамойилларига асосланган ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. БМТ Бош Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги 171-резолюцияси эса, инсон ҳуқуқлари тушунчасининг умумийлик, бўлинмаслик, ўзаро боғлиқлик, дахлсизлик, холислик, танланмаслик каби асосий принципларга асосланишини белгилаб берди.

(Давоми иккинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Хабеас корпус институти

инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоялаш мезони

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг асосини ташкил этади. Жумладан, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани — суд-ҳуқуқ тизими эркинлашувининг муҳим босқичи бўлиб, бу демократиянинг том маънодаги амалий ифодаси бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган демократик жамият барпо этиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилаётгани қандай самара бермоқда? Айни жараёнда инсон ҳуқуқлари ҳимояси қай даражада таъминланаётир?

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Арслон УСМАНОВ билан мухбиримизнинг суҳбати ана шулар ҳақида.



— Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас, — **дейди А.Усманов.** — Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони билан судларга қамоққа олишга санкция бериш ваколати берилгани ушбу конституциявий меъёрнинг тўлақонли бажарилишига замин яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳар бир соҳада бўлгани каби меҳнат қонунчилигида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Фуқароларнинг меҳнат муносабатлари миллий қонунчиликда тўлиқ ўз ифодасини топди.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат муҳофазаси

у амалдаги қонунларда тўлиқ ифодасини топган

Асосий қонунимиз — Конституцияга мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади. Ислоҳотлар самараси ўлароқ қабул қилинган Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан бирга, юзага келаётган низоларни бартараф қилиш масалаларини ҳам қамраб олган.

Меҳнат қонунчилигига кўра, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди. Ўз навбатида, бу меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Меҳнатга оид қонунчиликнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва меҳнат низоларини кўришда судларда вужудга келадиган масалаларни тушунтириш мақсадида 1998 йил 17 апрелда Олий суд Пленумининг қарори қабул қилинган. Мазкур қарор судларда меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни кўришда келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг меҳнат муносабатларига оид ҳуқуқларини қонун ва суд йўли орқали ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

E`tirof

Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

Жаҳон айвонида ўзига хос ўринга эга бўлган она диёримиз Ўзбекистон истиқлол йилларида иқтисод, сиёсат ва бошқа соҳаларда бемисл ютуқларга эришди. Айниқса, жаҳон молиявий инқирози пайтида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кузатилгани кўплаб ривожланган давлатларнинг етакчи эксперт ва таҳлилчилари томонидан эътироф этилгани хорижликларнинг Ватанимизга бўлган қизиқишини янада оширди.

Айтиш жоизки, истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимизда барча соҳаларда янги босқич, янги марраларни бошлаб бермоқда. Бу фаровонлашаётган турмуш тарзимиз, чирой очаётган шаҳару қишлоқларимиз тимсолида намоён бўлаётир. Бу аждодлардан мерос қадимий шаҳарлар, ёдгорликлар, осори атиқалар билан уйғунлашиб янада теран мазмун кашф этаётгани ҳам чет эллик меҳмонларни бефарқ қолдирмаяпти. Буларга гувоҳ бўлаётган хорижликлар жаннатмонанд юртимизга, бағрикенг, меҳмондўст халқимизга доимо ўзларининг самимий тилак-истакларини билдирадилар. Қуйида ана шундай эътирофлардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Би ФЕНГЮН,
доцент, Хитой

— Мен бир неча йилдан буён мамлакатингизда истиқомат қилиб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўзбек талабаларига хитой тилидан сабоқ бериб келаман. Тўғрисини айтганда, ўзбек ёшларининг илмга чанқоқ, зеҳни ўткир, салоҳияти баланд эканлиги мени ҳайратга солади. Мен Ўзбекистонга келгунимга қадар дунёнинг кўпгина давлатлари олий ўқув юртларида бўлиб, ёшларга сабоқ берганман. Аммо дунёнинг бирорта мамлакатида Ўзбекистондаги сингари ёш авлод илм олиши, касб-ҳунар эгаллашига бу қадар юксак эътибор қаратилганига гувоҳ бўлмаганман. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ёшларнинг илм олишига давлат томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборга, бу борада яратилган шарт-шароитларга дунёнинг ҳар қандай ривожланган давлати ҳавас қилса, бу борада мамлакатингизнинг бебаҳо тажрибасидан ибрат олса, арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни муборак айём — Ўзбекистон Давлат мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси билан қутлайман. Юртингизни тинчлик, хотиржамлик, осойишталик ва тўкинлик ҳеч қачон тарк этмасин!

Гоббис Антониетта,
Италия

— Мен касбим тақозоси билан бир неча йилдан буён Ўзбекистонда яшаб, фаолият юритиб келмоқдаман. Тўғриси, ҳали ҳаётимда ўзбек халқи сингари бағрикенг, меҳмондўст, саховатли ва меҳнаткаш халқни учратмаганман. Ўтган йиллар мобайнида шаҳару қишлоқларингизда амалга оширилаётган беқиёс бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратга тушдим. Тарихга назар солсангиз, Ватани озодлигини ҳар нарсадан устун кўрган, бу йўлда жонбозлик кўрсатган халқ ҳеч қачон кам бўлмаганига гувоҳ бўласиз. Бугун Ўзбекистонда юз кўрсатаётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни, халқингизнинг мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлаши ҳам бунинг бир исботидир. Ўзбекистоннинг инсонга жон бағишловчи мўътадил ҳаво ҳарорати, қуёш тафти, халқингизнинг чексиз меҳр-оқибатини бир умр унутмайман. Юртингизда ўтган ҳар бир куним қувончли ва завқли кечмоқда.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, бунёдкор ва яратувчан халқингизни яқинда нишонланадиган мустақиллик байрамининг йигирма йиллик шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман!

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 257-1 сонли қарорига мувофиқ, Фуқаролик кодекси 1112-1157-моддалари қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, бироқ 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Мерос 1997 йилнинг 1 мартига қадар ворислардан бири томонидан қабул қилиб олинган ёки давлатнинг ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилган ҳолларда келиб чиққан низолар 1963 йилги Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

3. Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига мувофиқ, мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, деҳқон хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи («Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддаси), ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи («Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси) ва ҳ.к. лар киради.

Қонунга кўра, (ФК 1113-моддаси иккинчи қисми) мерос таркибига мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар кирмайди:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳолат белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;

алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;

меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар (ФК саккизинчи боби).

4. Мерос таркибига фақат мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли бўлган мулк кириши туфайли, ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилмаган иморатлар мерос таркибига фақат марҳумнинг мазкур иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда эътироф этилган ҳолда киритилади.

Мерос қолдирувчи томонидан тузилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва шу каби битимлар унинг ўлимидан сўнг ҳақиқий эмас деб топилганда, қайтарилган мулк ҳам мерос таркибига киритилади.

Биргаликдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан, мол-мулкни натура ҳолида бўлишнинг иложи бўлмаганда эса, бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

5. Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига мувофиқ, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васият ва қонун бўйича ворислар сифатида, жумладан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган шахслар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлиги пайтида ҳомила ҳолида бўлиб, мерос очилгандан сўнг тирик туғилган болалари бўлиши мумкин.

6. Фуқаролик кодексининг 1119-моддаси биринчи қисмига кўра, нолойиқ меросхўр деб топилиши мумкин бўлган шахсларнинг ворислигига оид низоларни кўришда шуни назарда тутиш лозимки, уларнинг қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланган, ворисликка чақирилишга имкон яратган қонунга хилоф ҳаракатлари, фақат бу ҳаракатлар қасддан содир этилгандагина меросдан маҳрум этиш учун асос бўлади.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун судланган шахсга нисбатан Фуқаролик кодексининг 1119-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган қоида қўлланилмайди.

Меросхўр фақат суднинг ҳал қилув қарорига кўра ва фақат меросдан четлатиш ўзи учун ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатлар туғдирадиган шахснинг даъвоси бўйича нолойиқ деб топилиши ва меросдан четлатилиши мумкин.

7. Васиятнома ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолларда, унда меросхўр тариқасида кўрсатилган, бироқ тегишли навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахс умумий асосларда қонун бўйича ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Бундай ҳолларда, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган васиятномага кўра, меросдан маҳрум этилган қонун бўйича меросхўр ҳам умумий асосларда ворислик ҳуқуқига эга бўлади (ФК 1130-моддаси тўртинчи қисми).

8. Судларга тушунтирилсинки, васиятнома қонунда белгиланган тартибда тузилган ва васият қилувчининг вафотидан сўнг муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутувчи бир томонлама битим ҳисобланади.

Қонунга биноан васият қилувчи ўз мулкини тўлиқ ёки қисман ҳар қандай шахс ёхуд бир неча шахсга, шунингдек, юридик шахсларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёхуд давлатга васият қилиши ёинки бир, бир неча ёки барча қонун бўйича меросхўрларни меросдан маҳрум қилиши мумкин.

Васиятномани ҳақиқий эмас, деб топишга оид даъволарни кўришда, судлар Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асосларни назарда тутувчи нормаларига амал қилишлари лозим (ФК 113-128-моддалари).

9. Мерос қолдирувчи томонидан зиммасига бирор-бир мажбурият бажарилиши юклатилган васиятнома бўйича меросхўр ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ўртасидаги низоларни кўришда судлар фақат васиятнома мавжуд бўлмаган ёки мерос тақдирини тўла белгиламаган, шунингдек, Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда келиб чиқади.

Қонун бўйича меросхўрларга ФК 1135-1141-моддаларида кўрсатилган ва навбат тартибида ворисликка чақириладиган шахслар киради. Қонунда (ФК 1138-моддаси) тўртинчи навбатда ворисликка чақирилувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли, судлар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражадаги қариндошларга кирувчи меросхўрларни аниқлашда Оила кодексининг 57-моддасига риоя этишлари лозим.

Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига мувофиқ васият қолдирувчининг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз (шу жумладан, фарзандликка олинган) болалари, унинг меҳнатга қобилиятсиз эри(хотини) ва отаонаси (фарзандликка олувчилари) ҳам қонун бўйича меросхўр бўладилар. Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўрлар, мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, иккинчи ва ундан кейинги навбатдаги ворислар мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Тушунтирилсинки, мажбурий улуш миқдори қонунда белгиланганлиги сабабли васият қилувчи меросхўрларнинг бу улушга нисбатан ҳуқуқларини ўзгартиришга ёки бошқача тарзда унга таъсир этишга ҳақли эмас.

Мажбурий улуш белгилашда қонун бўйича ворисликка чақирилиши мумкин бўлган барча меросхўрлар инобатга олиниши ва мерос таркибига кирувчи барча мол-мулкдан келиб чиқилиши лозим.

Меросхўрга мажбурий улуш тайинлашда у мерос тариқасида бирон-бир асосга кўра олаётган барча нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам инобатга олинади (ФК 1142-моддаси).

13. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қуйидаги ҳолларда ҳам қонун бўйича ворислик мавжуд бўлади:

тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик (ФК 1140-моддаси);

мерос трансмиссияси тартибида ворислик (ФК 1140-1-моддаси);

мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари томонидан ворислик (ФК 1141-моддаси).

14. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бирдек даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Масалан, агар ўғил (қиз) отаси ёки онасидан олдин вафот этган бўлса, унинг болалари бобоси ёки бувисининг вафотидан сўнг қолган меросга нисбатан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун бўйича марҳум меросхўрнинг эри(хотини) тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўла олмайди.

15. Мерос трансмиссияси тартибида ворислик васиятнома ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр (трансмиттент) мерос очилганидан кейин, лекин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган ҳолларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига (трансмиссарларига) ўтади.

Мерос трансмиссияси қуйидаги шартларда вужудга келади:

мерос очилган пайтда ворислик ҳуқуқига эга бўлган васият ёки қонун бўйича меросхўрнинг борлиги;

васият ёки қонун бўйича меросхўр меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этганлиги сабабли унинг меросдаги улуши тақдирини ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганлиги;

вафот этган меросхўр унинг меросхўрлари билан алмаштирилиши мумкинлиги.

16. Фуқаролик кодекси 1141-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган меҳнатга қобилиятсиз шахсларни қонун бўйича меросхўр деб топиш учун бир вақтнинг ўзида икки ҳолатнинг мавжуд бўлиши, яъни бундай шахсларнинг бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши ва мерос қолдирувчи билан унинг вафотига қадар бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида бирга яшаган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирувчи меҳнатга қобилиятсиз шахсларга келганда эса, улар ворисликка чақирилиши учун фақат уларнинг мерос қолдирувчи вафотига қадар унинг қарамоғида бир йилдан кам бўлмаган муддат ичида бўлганлигини аниқлашнинг ўзи кифоя.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бир йилдан кам муддат ичида бўлган ва у билан бир йилдан кам муддат ичида бирга яшаган ёки у билан бирга яшамаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФК 1139-моддасига мувофиқ бешинчи навбатда ворисликка чақириладилар.

17. Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси қоидаларига кўра, ворислик амалга оширилганда, меҳнатга қобилиятсиз шахсларга қуйидагилар киради:

мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркаклар;

мерос очилган кунга келиб белгиланган тартибда биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

мерос очилган кунга келиб 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар, 18 ёшга тўлмаган ўқувчилар.

Меҳнатга қобилиятсиз шахсни мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб топиш учун бундай шахс мерос қолдирувчининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ёки ундан олиб турилган моддий ёрдам унинг ҳаёт кечириши учун асосий ва доимий манба бўлганлиги факти аниқланиши лозим. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, иш (хизмат) жойи маъмурияти, ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши мумкин.

18. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъий назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади, ФК 1146-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Агар нотариус томонидан рад этилиши бошқа шахсга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ёки мерос мулки ФК 1157-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки давлатга ўтказилганлиги билан боғлиқ бўлса, ариза даъво иши юритиш тартибида кўрилади.

19. Васият ва қонун бўйича ворисликда меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш йўли билан меросдан воз кечишга ҳақли. Қонунда мерос очилгандан кейин бундай ариза билан мурожаат қилиш мумкин бўлган вақт чегараланмаган.

Мероснинг бир қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар ёки шарт билан воз кечилишига йўл қўйилмайди, ФК 1148-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Меросдан воз кечиш тўғрисида ариза берган меросхўр кейинчалик уни бекор қилиши ёки қайтариб олиши мумкин эмас. Бундай воз кечиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ва қонунда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун белгиланган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФК 113-128 - моддалари).

20. Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига мувофиқ, меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда, тақсимот улардан исталган бирининг талаби бўйича суд тартибида амалга оширилади.

Бундай низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек, уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар (ФК 1153-моддаси).

Мерос қолдирувчи билан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар ҳам мерос таркибидан мол-мулкни асл ҳолида (натура шаклида) олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида иштирок этаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши шарт. Агар мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш натижасида меросни ташкил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳуқуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

21. Меросхўрлар ўртасида ворислик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, суд қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир меросхўрнинг улушини белгилаши лозим бўлганлиги сабабли, иш бўйича ҳал қилув қарорида мазкур улушлар фоиз кўринишида эмас, балки каср кўринишида (масалан, 1/4, 1/3, 1/2 ва ҳ.к.) ифодаланиши керак.

22. Қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаган ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган ҳолларда мерос мол-мулк суднинг ҳал қилув қарорига асосан эгасиз деб топилади.

Мерос мол-мулк мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин, эгасиз деб топилади. Уни кўриклаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетган ҳолларда ушбу муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига кўра, ФПК 298-300-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкдорлигига, мазкур орган мол-мулкдан воз кечганда эса, давлат мулкдорлигига ўтади. Бундай ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисми эгасиз мол-мулк таркиби ва у кимнинг мулкдорлигига ўтиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори устидан марҳумнинг меросхўри томонидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин.

23. Судлар ворисликка оид ишларни кўришда меросни расмийлаштириш вақтида йўл қўйилган қонунчилик бузилиши фактларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари, шунингдек фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.

24. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 33-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси **Б.МУСТАФОЕВ**

Пленум котиби, Олий суд судьяси **В.НАЗАРОВ**

Islohot va samara

Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини эълон қилди. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистоннинг 70 дан зиёд асосий халқаро ҳужжатга қўшилганини, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та энг асосий халқаро шартномага аъзо бўлганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш устувор аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кафолатлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Аввало Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Истиқлол йилларида Парламент томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 15 та кодекс ва 400 дан ортиқ қонун қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонун ҳамда **“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”**ги конституциявий қонуннинг кучга кириши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг туб моҳияти инсон ҳуқуқлари ҳимоясини қонунда ва амалда таъминлаш ҳамда бунинг кафолатларини яратишдан иборат. Зеро, Асосий қонунимизнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги тўғрисидаги қоида билан бошлангани ҳам инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги ифодасидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қонун устуворлигини, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлашга, суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмига айлантиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, суд ҳокимиятининг нуфузини ҳамда унинг чинакам мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Давлат бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимияти, шунингдек, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг роли, ваколатлари ҳамда назорат қилиш функцияларини кучайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Президентимизнинг **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”** доирасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш йўналишида бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга ошириш, хусусан, қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратига алоҳида эътибор қаратилган эди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 17 июнда **“Давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш соҳасида адлия органларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил қилиниб, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талаблари ва қонунийликка риоя қилиниши устидан тизимли, самарали мониторинг ва назоратни ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳасидаги қонунбузилишларни ўз вақтида аниқлаш улар фаолиятининг энг муҳим йўналиши этиб белгиланди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан давлат ва жамият қурилишида асос қилиб олинган машҳур беш тамойилдан бири – қонун устуворлигини таъминлашга, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Даулетбай ХАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда судлар томонидан меҳнат қонунчилигини қўллаш, хусусан, ишга тиклаш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўриб чиқиш натижаларига эътибор қаратсак. 2010 йилда вилоят судлари томонидан 27 та даъво қаноатлантирилиб, фуқароларнинг ишга тиклаш билан боғлиқ ҳуқуқлари суд йўли орқали ҳимояланиб, фуқаролар ишга тикланган. 2011 йилнинг 6 ойида эса 19 та даъво қаноатлантирилиб, фуқаролар ишга тикланган.

Юқорида қайд этилган маълумотдан кўриниб турибдики, вилоят судлари томонидан фуқароларнинг меҳнат низоларига оид бузилган ҳуқуқлари қонун асосида суд йўли билан тикланмоқда. Бу эса, албатта, юртимизда меҳнат қонунчилигидаги ислоҳотлар самарасидир.

Мисол учун даъвогар Феруза Қосимова (тарафлар исм-фамилиялар ўзгартирилган) судга ариза билан мурожаат қилиб, 2006 йил июль ойидан буён “Савдогар” ОАТ банки Фарғона вилояти бўлимида халқаро пул ўтказмалари бўлимида мутахассис бўлиб ишлаб келгани, банкнинг 2010 йил 22 февралдаги 21-сонли буйруғи билан Меҳнат кодекснинг 100-моддаси 1-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганини, 2009 йил 22 декабрдаги 425-сонли буйруққа асосан унинг мутахассислик иши қисқартирилганини, бу ҳақда унга 2009 йил 14 декабрда маълум қилганларини, уни ишдан бўшатишда касаба уюшмаси розилиги олинмаганини, қонун талаблари бузилганини таъкидлаб, ўз иш жойига ишга тиклашни ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Суд томонидан аниқланишича, даъвогарнинг талаблари асосли. Зотан, Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабига кўра, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб, бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Жавобгар вакили суддаги кўрсатмасида банкда жамоа шартномаси мавжуд эмаслигини, лекин юқори турувчи банкнинг жамоат шартномаси мавжудлигини, унда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш кўзда тутилганини билдирган.

Судда банк касаба уюшмаси қўмитаси аъзолари М.Турдиева, З.Исақова ва Ф.Тўхтасинов касаба уюшмаси қўмитаси йиғилишида даъвогар ва бошқалар билан иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги хати муҳокама қилиниб, даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилганини, касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши даъвогарнинг иштирокисиз бўлганини билдирган. Ушбу йиғилиш ўтказилган куни Ф.Қосимова ишга келган. Лекин соғлиғи ёмонлашиб, жавоб олиб кетган ҳамда касал бўлиб, 3-сонли поликлиникага мурожаат қилган. Ҳеч ким унга йиғилиш тўғрисида айтмагани ҳолда жавобгар томонидан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартиби бузилган.

Судда жавобгар вакили бу ҳолатни инкор этмасдан, ҳақиқатан, даъвогар 2010 йил 15 февраль куни касал бўлиб қолиб, жавоб олиб кетганини билдирган.

Bag`rikenglik tamoyillari

Хабеас корпус институти

инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоялаш мезони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимизнинг **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида таъкидланганидек, "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш дастлабки тергов устидан суд назоратини олиб боришнинг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Бундай тартиб дастлабки тергов боскичидаёқ инсон ҳуқуқлари бузилиши, қонунга хилоф равишда шахсни ушлаш ва қамоққа олиш, ноқонуний қарорлар қабул қилиш, номақбул далиллардан фойдаланиш каби ҳолларнинг олдини олиш ҳамда чек қўйишга замин яратди. Қамоққа олишга санкция беришнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизми яратилгани терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилаётир.

Эътиборли жиҳати, бу жараён халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига тўлиқ мувофиқдир. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларининг Ўзбекистон қонунчилига имплементация қилишнинг изчиллигини кўрсатади.

— Хабеас корпус институтини амалда қўлашда судьялар қайси қонун нормаларига амал қилиши лозим?

— Маълумки, Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган Фармони асосида ишлаб чиқилган **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун 2008 йил 1 январдан кучга кирди. Амалиётда мазкур қонун нормаларига изчил риоя этилмоқда.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрда **"Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"**ги қарори қабул қилинганини айни муддао бўлди. Мазкур қарор судлар томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига санкция беришда тегишли қонунларни аниқ ва бир хилда қўллашда соҳа ходимларига муҳим қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Қонун ва Пленум қарорида суд томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш механизми батафсил тартибга солинган. Шунингдек, қамоққа олиш тартиби ва уни қўллаш шартлари белгиланган, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани суд мажлисида кўриб чиқиш ҳамда қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тартиби, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳамда улар устидан шикоят ва протест келтириш масалалари изчил ифода этилган.

— Судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш амалиёти хусусида тўхталсангиз.

— Мазкур институт жорий этилганидан буён уч ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу даврда судлар томонидан ушбу масалага оид қонунлар мукаммал ўзлаштирилди ва тегишли амалиёт шакилланди. Судларда бу борада кўрилаётган ҳар бир ишда қонун устворлиги, фуқаролар манфаати муҳофазаси таъминланмоқда. Айрим ҳолларда қамоққа олишга оид илтимосномалар рад этилмоқда.

Шу ўринда бир мисолга мурожаат қилсак. Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг ёпиқ суд мажлисида фуқаро Б.Пардаевга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилган. Мазкур ишга оид суд мажлиси раислик этувчи судья, унинг котиби, туман прокурори, айбланувчи ва унинг адвокати иштирокида, тортишув тамойилига риоя қилинган ҳолда ўтказилган.

Бобур Пардаев бир неча ўртоғи билан тунги вақтда "Нексия" автомашинада кетаётиб қаршисидан чиқиб қолган "Тико" автомашинаси уларнинг эътиборини тортади. "Тико"ни тўхтатиб, унинг ичидаги шахсларни гапга солган тунги йўловчилар ўзаро тортишиб қолишади. Ўртада келиб чиққан тушунмовчилик катта жанжалга айланиб кетади. Натижада "Тико"нинг ичидаги шахсларга енгил тан жароҳати ва моддий зарар етказилади. Аниқланишича, мазкур жиноят иши унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради. Қолаверса, айбланувчига жабрланувчиларнинг ҳеч қандай даъвоси йўқ. Суд шуларни ҳамда Б.Пардаевнинг аниқ муқим яшаш жойи мавжуд бўлиб, суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлаб яширинмаслигини инобатга олиб прокурорнинг илтимосномасини рад қилишни лозим топган. Бунгача туман ички ишлар бўлимида ушлаб турилган Б.Пардаев суд залидан дарҳол озод қилинди.

Кўриниб турибдики, эндиликда билиб-билмай жиноятга қўл урган фуқарони суд қарорисиз ҳеч ким озодликдан маҳрум эта олмайди.

— Мамлакатимизда Хабеас корпус институти имкониятларини кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтсангиз.

— Мазкур институт амалиётда ўз самарасини кўрсатаётгани Президентимизнинг ушбу масалада ўз вақтида тўғри қарор қабул қилгани ва узоқни кўра билгани натижаси, десак асло муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** асосида Хабеас корпус институти имкониятларини янада кенгайтиришга эътибор қаратилаётгани бу борадаги хайрли ишларнинг изчиллигини кўрсатади. Жумладан, Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда.

Ушбу ваколатларнинг судларга ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини янада кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Ҳозирги кунда мазкур чора-тадбирларни қонунчиликда акс эттириш борасида соҳа ходимлари ўзаро ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширмоқда. Буларнинг амалиётга жорий этилиши юртимизда инсон ҳуқуқларини янада юксак даражада ҳимоя қилишга пухта замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси Ўзбекистонда давлатимиз олиб бораётган сиёсатининг демократик инсонпарварлик тамойилларига содиқ эканлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига оғишмай риоя қилинаётганлигининг исботидир. Энг муҳими, бунинг дунё ҳамжамияти томонидан муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этиб келинаётгани мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида оғишмай илгарилаб бораётганини кўрсатади.

Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди

E`tirof

Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шлиссер Филип МАТИАС,
Германия

— Бу дунёда ўз юрти, халқининг келажагини ўйлаган ҳар бир давлат, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратади. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини оддийгина сўзлар билан ифодалаб бўлмайди. Бу улкан сиёсатнинг замирида юртингиз фарзандларига, миллат келажагига улуғ ишонч ётибди. Ишонаманки, ўзбекистонлик ёшлар ана шу ишончни оқлаб, ўз билими, иқтидори билан миллат байроғини янада юксак кўтаришга ҳисса қўшадилар. Мен бунга ўзбек ёшлари билан бўлган мулоқотларим чоғида, уларнинг кўзларидаги шижоат ва ғайратни, илм олишга интилиш ва ўзларига бўлган ишончни кўриб, қайта-қайта амин бўлдим.

Бугун мен барча ўзбекистонликларни, юртингизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элат вакилларини яқинлашиб келаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ байрами — Ватан мустақиллигининг 20 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этаман.

Иоаннис КАРАГИАННАКИС,
Греция

— Касбим тақозоси туфайли бир неча йилдан буён Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқдаман. Юртингизда спорт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, вилоят ва шаҳарларда қад ростлаётган муаззам ва муҳташам спорт иншоотлари, спорт ва спортчиларга давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка қойил қолмасдан илож йўқ. Биргина мисол. 2011 йилда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик ёшларнинг кучли саккизликдан ўрин олиши — дунё жамоатчилигининг эътиборини Ўзбекистонга яна бир марта қаратадиган ўта муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистонлик ёшлар эртага бундан ҳам юксак марраларни забт этишига мен ишонаман. Чунки мамлакатингизда ёшлар камолоти йўлида изчиллик билан олиб борилаётган кўламли ислоҳотлар, эътибор ва ғамхўрлик ўзининг самарасини беради.

Мен ўзбекистонлик спортчиларни, ўзбек халқини яқинлашиб келаётган байрам — мустақилликнинг 20 йиллиги билан табриклайман.

Ислом ҲАМРО тайёрлади

Qilmish-qidirmish

Эгрилик

охир-оқибат юзшувутликка олиб келади

Ҳаёт қизиқ-да, инсон табиатидаги соддалик, хушфеъллик, очиқкўнгиллилик, самимийлик ва ишонувчанлик каби фазилатлардан товламачи, фирибгар кимсалар сира тап тортмай ўзларининг чиркин манфаатлари йўлида фойдаланишга уринади.

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган воқеа ҳам фикримизга мисол бўлади.



Тоштемир Юсупов ҳовлисида хусусий тегирмон қурган эди. Ушбу тегирмон атрофидаги воқеалар ўтган йилнинг 7 декабрь куни рўй берган. Ўша куни кундуз соат ўн иккиларда Тоштемир тегирмонни ишлатаётганди. Кутилмаганда, нотаниш бир йигит ҳовлига кириб келди-да, ўзини туман солиқ идораси ходими Жамол Нурқуловман, деб таништирди.

Буни эшитиб, Тоштемир айб устида қўлга тушгандек довдираб қолди. Жамол эса дадилланган кўйи Тоштемирдан тегирмон рўйхатдан ўтган-ўтмаганини сўраб-суриштира бошлади. Аммо у тегирмон рўйхатдан ўтказилмаганини эшитгач, Тоштемир тегирмонни ноқонуний ишлатаётгани, бундай фаолият жавобгарликка сабаб бўлишини айтиб, қўрқитди. Кейин эса бироз «инсоф»га келиб, рози бўлса, солиққа тортмаслигини гап орасида қистириб ўтди. Бу хизмати учун Тоштемир унга ҳар ойда йигирма минг сўмдан бериб туриши керак экан. Кутилмаганда рўй берган бу воқеадан шошиб қолган Т.Юсупов беихтиёр унинг таклифига рози бўлди. Сўнг уйидан айтилган маблағни олиб чиқиб, Жамолнинг қўлига тутқазди.

Шундан сўнг Жамол бу хонадонга тез-тез келиб-кетадиган бўлди. Гоҳида у Тоштемирга қўнғироқ қилиб, сир сақланаётган тегирмонни солиқ идораси раҳбарларига ошкор қилиш билан қўрқитиб ҳам қўярди. Баъзида ўзи олаётган «улуш»нинг бир неча ойлигини бирдан талаб қиларди.

Буёғини сўрасангиз, Жамол Нурқулов солиқ идорасида ишламайди. Гувоҳи бўлганингиздек, ниқоб ортида товламачилик жиноятининг яширин эди. Охир-оқибат қилмишлари фош бўлаётганини сезган Ж.Нурқулов муқаррар жазодан қутулиб қолиш мақсадида Т. Юсуповдан товламачилик йўли билан олган пулни қайтараётган чоғида қўлга олинди. Шундан сўнг унинг барча кирдикорлари равшан бўлди.

* * *

Ҳасан Тиловов деган кимса ўтган йилнинг 1 апрелидан 25 ноябрига қадар «Иштихонтумангаз» филиалида туманнинг «Қулжамол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назоратчи вазифасида ишлаган. Шундан сўнг у ўз аризасига кўра, ишдан бўшаган. Одамлар эса, Ҳасанбойнинг ишдан бўшаганидан бехабар бўлган. У бундан фойдаланиб, фирибгарлик кўчасига кирган.

Гап шундаки, маҳаллада яшовчи аҳолининг газ идораси олдида қарздорлиги юзага келганди. Бундан Ҳ. Тиловов ғоятда усталик билан фойдаланади. У қарздорлардан жами 1 миллион 479 минг сўм йиғиб олади.

Сўнг бу пулларни «Иштихонтумангаз» филиалининг банкдаги ҳисоб рақамига топшираман, дейди-ю, шу билан қорасини кўрсатмайди. Аҳолидан табиий газ тўлови учун йиғилган пулларни эса ўз манфаати йўлига ишлатиб юборади.

Маҳалла аҳлининг ўзига кўрсатган иззат-ҳурматини билмаган баднафс Ҳ. Тиловов бировнинг ҳақи ўзгага юқмаслигини, қинғир иш барибир ошкор бўлишини ўйламагани кишини таажжубга солади. Ахир, бировнинг ҳақи ўзгага буюрмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку!

Албатта, ҳар ким экканини ўради. Шу маънода виждонли, оққўнгил, ҳалол, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган инсонлар ҳақли равишда элнинг ҳурматини қозонади. Омонатдан қўрқмаган, нопокликдан ҳазар қилмайдиган кимсалар охир-оқибат юзшувут бўлиб қолади.

Илҳом ТЕШАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Иштихон тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қонунда васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлик учун қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Ш.БОТИРОВА,
Ҳамза тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 48-моддасида васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Унга мувофиқ, васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб, васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдириш, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

— Бобомдан мерос қолди. Уни бўлишда менинг иккинчи навбатдаги ворис эканлигимни маълум қилишди. Айтинг-чи, иккинчи навбатдаги ворислик деганда, кимлар назарда тутилади?

З.ЗОҲИДОВ,
Чироқчи тумани

— Фуқаролик кодексининг 1136-моддасига асосан, мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек, унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Саволларга юридик фанлари номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

муҳофазаси

у амалдаги қонунларда тўлиқ ифодасини топган



Меҳнат кодексининг 111-моддаси талабига мувофиқ, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослилигини исботлаб бериш масъулияти юклатилади. Ф.Қосимова билан жавобгар меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган тартибни бузгани натижасида суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилди. Даъвогар Ф.Қосимова "Савдогар" ОАТ банки Фарғона вилояти бўлимида халқаро пул ўтказмалари бўлими мутахассиси вазифасига ишга тикланди.

Жавобгар "Савдогар" ОАТ банки Фарғона вилояти бўлимидан даъвогар Ф.Қосимова фойдасига мажбурий прогул кунлари учун 104 минг 919 сўм иш ҳақи ва 180 минг сўм маънавий зарар ундирилди.

Кейинги вақтларда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб бориши натижасида меҳнат низолари билан боғлиқ даъво турлари ҳам ўзгариб бораётганини кузатиш мумкин. Шу муносабат билан меҳнат низоларига оид ишни қонуний муддатларда ва тўғри ҳал этиш учун судья ишни судда кўришга етарли даражада тайёрлаши лозимлигига эътибор қаратилмоқда. Яъни судья бу тоифадаги ишни кўришда Фуқаролик процессуал кодексининг 161-моддасига тўлиқ риоя қилиб, тарафларни чақириб, даъвогардан даъво талабларни аниқлаши, жавобгардан даъво аризаси юзасидан эътирознома олиши, ишга учинчи шахсларни жалб этиш масаласини муҳокама этиши ва ишга оид далилларни талаб қилиб олиши шарт.

Меҳнат низолари билан боғлиқ фуқаролик ишини кўришга тайёрлаш жараёнида судья ходим билан иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ва ходимни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқларни, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилинган қарор нусхаси, даъвогарнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар сони ва оилавий аҳволи ҳақида маълумотнома, даъвогарнинг ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги далилларни талаб қилиб олиши лозим.

Шу билан бирга бундай тоифадаги даъволар Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддаси талабига кўра, фуқаролик иши судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўрилиши керак.

Судлар бундай тоифадаги ишларни кўриб, ҳал қилув қарори чиқараётганида, албатта, далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланган ва қандай қонун қўлланиши лозимлигини аниқлайди ҳамда суд харажатларини ундириш масаласини ҳал қилади.

Шу ўринда фуқароларнинг меҳнат низолари, хусусан, ишга тиклаш билан боғлиқ даъволари бўйича судларга ариза билан мурожаат қилиш муддатига тўхталиш жоиз. Чунки айрим ҳолларда фуқаролар буйруқ нусхасини олганидан сўнг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун тўғридан-тўғри судга мурожаат қилмасдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки ҳокимият органларига мурожаат қилиб, мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборадилар. Ҳолбуки, Меҳнат кодексининг 270- моддасига кўра, фуқаро ишга тиклаш низолари бўйича меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхасини олган кундан бошлаб бир ой ичида судга мурожаат қилиши лозим.

Бундан ташқари меҳнат низолари билан боғлиқ даъволар бўйича мурожаат қилинганида даъвогар давлат божи тўлашдан озод қилинганини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, **"Давлат божи тўғрисида"**ги қонуннинг 4-моддаси 1-бандига кўра, даъвогарлар иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа масалалар юзасидан давлат божини тўлашдан озод қилинади.

Бу ҳам, албатта, меҳнат низоларининг судларда кўриб чиқилишида фуқароларга қулайлик яратади.

Судлар томонидан меҳнат низоларига оид ишларни кўришда қонуний қарор қабул қилиниши, аниқроқ айтганда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқи тикланиши уларнинг адолатга, судларга ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилади. Жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат бўлиб, бу юртимизда яшаётган фуқароларнинг манфаатлари ва Ватанимизнинг юксак тараққиётига хизмат қилади.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Мамлакатимизда ҳар томонлама билимли, иқтидорли, соғлом ва баркамол авлод вояга етмоқда. Ёшларимиз салоҳияти, иқтидори билан жаҳон айвонида муносиб ўрин эгаллаб, дунё аҳлини ром этаётир. Албатта, бу ютуқлар давлатимиз томонидан уларга яратиб берилаётган тенгсиз шарт-шароит ва имкониятлар натижасидир.

Jinoyat va jazo

Қимматга тушган шўхлик

Суд очерки

Аммо ҳаётда яратилган имконият ва шарт-шароитларга эътиборсиз қарайдиган, олтиндан қиммат вақтини ҳавога совурадиган, бирон-бир ҳунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш ўрнига бировнинг мулкига кўз олайтирадиган айрим ёшлар ҳам учрайдики, уларнинг қилмиши ҳар бир соғлом фикрли кишини ўйлантириши табиий.

Шу маънода олдиндан ўзаро тил бириктириб, ўзганинг мулкига тажовуз қилган, пировардида бошлари деворга теккан беш йигитнинг қилмишлари ҳам кишини афсуслантиради.

— Оғайнилар, паркка бормаймизми? — деб қолди кунларнинг бирида Равшан тенгдошларига.

— Борсак яхши бўларди, лекин... — дея чайналди Нозим.

— Нима лекин? — сўради Равшан.

— Уйдагилар менга йўлкира ва тушликка яраша пул беришади, — деди Нозим.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Комил инсон ҳар бир одамнинг комил бўлиши учун қайғуради.

* * *

Ҳаётни ҳар ким билганича идрок этади.

* * *

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

* * *

Тўрт нарса инсонни улуғлайди: илм, одоб, омонатдорлик ва иффат.

* * *

Тинглаш ва сукут сақлаш сени доноликка етаклайди. Сукут — доноликнинг бошланиши.

* * *

Ким ўз сирини беркитса, яхшилик унинг қўлидадир.

* * *

Қаноат меваси — роҳат, камтарлик меваси — муҳаббат.

* * *

Бахт — яхши кайфият, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.

Maslahat

Фамилияни ўзгартириш

бунинг учун қаерга мурожаат этиш лозим?

Оила кодексининг 226-моддасига кўра, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ҳақидаги аризалар ариза берувчи ўн олти ёшга тўлгандан кейин у яшаб турган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан кўриб чиқилади.

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш тўғрисидаги хулоса ички ишлар органлари томонидан ушбу шахс тегишлича текширувдан ўтказилгандан кейингина тузилиши мумкин.

Агарда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришни рад этса, унинг устидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

Mustaqilligimizning 20 yilligi oldidan

Шижоат, фидойилик, меҳнатсеварлик

ютуқ ва муваффақиятларимизнинг ҳаётий асосидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу йил эса, Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида янги "Камолот" маҳалласи ташкил этилганини эшитиб, тағин хурсанд бўлдик. Бу ерда намунавий лойиҳа асосида 82 оила учун ҳовли-жойлар қурилмоқда. Айни кунларда ушбу маҳалладаги уйларда қурилиш, пардоз ишлари тўлиқ якунланиб, ўз эгаларига топширилябти. Андижонга қилган сафарларимизнинг бирида шу маҳаллага янги кўчиб келган "Омад-97" фермер хўжалиги раҳбари Омадхон Ҳамидова шундай деганди:

— Президентимиз, қишлоқда яшайдиган фуқароларнинг яшаш шароитлари шаҳарликларникидан кам бўлмасин, керак бўлса, уларга шаҳарликларнинг ҳаваси келсин, деб айтган эдилар. Барча қулайликларга эга бўлган ёруғ ва шинам уйларда яшаётганлигимиздан оила аъзоларимиз, қўни-қўшниларимиз билан хурсандмиз. "Камолот" маҳалла гузаридаги дўкон ва маиший хизмат шохобчалари узоғимизни яқин қилмоқда, қолаверса, маҳалламиз ҳудудида янги 16-мусиқа ва санъат мактаби қад кўтарди, "Андижон фаол ёшлари" мажмуаси қуриб битказилмоқда. Бу эса келажакда маҳалламиз ёшлари учун энг гавжум ва севимли гўшага айланишини кўрсатиб турибди.

Андижон шаҳрида мустақиллик байрами арафасида юздан зиёд янги объектнинг фойдаланишга топширилиши режалаштириляпти. **"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан"** мавзусида шу йил 21 майда Андижон шаҳрида ўтказилган **"Ободлик кўнгилдан бошланади"** номли фестивал 1,7 километр қисми тубдан таъмирланиб, бутунлай янгича қиёфа касб этган **"Ўзбекистон"** кўчасининг очилиши билан бошланган эди. Бугунги кунда ушбу кўчанинг иккинчи қисми ҳамда Бобур шоҳкўчасида кенг кўламда ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Электр симлари, газ қувурлари ер остига олиниб, узоқ йилларга мўлжалланган коммуникация тармоқлари ўрнатилмоқда. Андижон шаҳри кўчаларидан 76 километри келажакда худди "Ўзбекистон" кўчасидаги каби барча қулайликларга эга, ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи ҳимоя панжаралари, пиёдалар учун алоҳида йўлаклар, фавворалари, гулзорлари мавжуд кўчаларга айланади.



Айтиш керакки, "Ободлик кўнгилдан бошланади" мавзусида "Андижонни обод ва кўркам вилоятга айлантирайлик!" номли гўзаллик ва санъат фестивали мустақиллик байрамининг 20 йиллиги олдидан вилоятнинг ҳар бир маҳалла ва гузарида, ташкилот, муассасаларида, шаҳар, туман ва қишлоқлар марказларида бўлиб ўтди. Халқ сайли, миллий қадриятлар байрами, гуллар ва санъат байрами тарзидаги ушбу анъанавий фестивал бу йил ҳар йилгидан ҳам кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Пахтаобод, Шаҳрихон, Бўз, Асака туманларида, Андижон, Хонобод шаҳарларида бўлиб ўтган сайилларда қатнашган республика ижодий гуруҳи аъзолари халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, ижодкорлар Азим Суюн, Мунаввара Тошпўлатова, Ойгул Суюндиқова, Шукур Қурбон, таниқли хонандалар Шарофат Тожибоева, Хосият Ҳусановалар халқимизнинг қувончига қувонч қўшдилар, бу байрамнинг самимияти, халқона руҳи, оммавийлигига ҳавас қилдилар.

Президентимизнинг **"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор"** рисоласида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ, 2009 йилдан буён мустақиллик байрами олдидан вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида **"Шаҳрихонсой мавжлари"** водий ёш ижодкорлари анжумани ўтказилиб келинмоқда. Ушбу анжуман иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб, Андижон, Фарғона, Наманган ёшлари учун алоҳида адабий мактаб вазифасини ўтаётганлиги, пойтахт ва қўшни вилоятлардан ташриф буюрган таниқли адибларнинг адабиёт сабоқлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йил **"Буюк ва муқаддас юрт фарзандларимиз"** мавзусида ўтказилган ушбу анжуманда 70 нафардан зиёд водийлик ёш ижодкорлар иштирок этдилар. Ёшлар Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Мунаввара, Энахон Сиддиқова, Жамолиддин Муслим, Замира Рўзиева, Зуҳра Алиева каби устозларнинг маҳорат дарсларида қатнашдилар.

Мустақил мамлакатимизда ҳар бир соҳа эгаларига катта имкониятлар, шароитлар яратиб берилаётганлиги, Президентимиз раҳнамолигида иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги дунёга не-не улуғ зотларни берган ўтмиши буюк халқимизнинг келажаги ҳам албатта, буюк бўлишига кафолатдир.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини халқимиз улкан яратувчилик, бунёдкорлик, маънавий юксалиш жараёнларидаги муваффақиятлар билан қарши олмоқда. Бу сингари юксак марраларга эришишда Андижон аҳлининг ҳиссаси ҳам ҳамиша беқиёс бўлаверсин!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Ҳар бир мамлакат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли қонунларни қабул қилади. Табиийки, ҳар бир қонуннинг мақсад-моҳияти аниқ — ўша мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг тинчлик-осойишталигини сақлашга қаратилади. Лекин жаҳоннинг айрим мамлакатларида шундай қонунлар ҳам амалга жорий этилганки, уларнинг баъзилари юртда оғирлиги билан кишини ҳайратга солса, яна айримлари мантиқсизлиги боис кулгингизни қистатади. Қуйида ана шулар ҳақида сўз юритамиз.

G'aroyib olam

Ажабтовур қонунлар

Гўзал Малайзия давлатига саёҳат қилиш истагида бўлган сайёҳларга эҳтиёткорликни тавсия этган бўлардик. Чунки бу мамлакатда амалда бўлган қонунларга кўра, жамоат жойларида эркак ва аёлнинг қўлтиқлашиб юриши суд томонидан бир йилдан кам бўлмаган қамоқ жазоси тайинланишига олиб келади.

Таиландда эса жамоат жойида сақич чайнашнинг «баҳо»си 600 АҚШ доллари туради. Чунки ушбу мамлакат қонунчилигида бу ҳолат жамоат тартибини бузиш деб баҳоланади ва қонун талабига кўра, 600 доллар жарима билан жазоланади.



2011 йилнинг январь ойида Бутан давлатида тамаки ва тамаки маҳсулотларини чеклашга оид янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра, мамлакат ҳудудида тамаки эккан ёки уни четдан олиб киришга ҳаракат қилган киши уч йил қамоқ жазосига тортилади. Айни пайтда ушбу мамлакатнинг икки нафар фуқароси янги қонунга асосан жазога тортилган.

2011 йилнинг январь ойида хитойлик фермер машинасига ҳарбийларга тегишли давлат рақами таққани учун бир умрлик қамоқ ва 302 минг АҚШ доллари миқдорида жарима жазосига ҳукм қилинди.

АҚШнинг Жанубий Каролина штатида ҳам ажабтовур қонун амал қилади. Унга кўра, ногирон ҳайдовчилар учун мўлжалланган махсус автомобиль тўхташ жойларида соғлом фуқароларнинг машина қўйиши мумкин эмас.



Агар шундай ҳолат юз берса, қонунни бузган ҳайдовчи кўксига «Мен ногирон эмасман. Аммо машинамни ногиронлар тўхташ жойига қўйдим. Сизлардан кечирим сўрайман!» — деган тахтакачни осиб юришига тўғри келади.

Жоржия штатида жорий этилган тартиб эса, дафъатан кишини тааж-жубга солади. Гап шундаки, бу ерда мушукларга соат кечки 9 дан сўнг миёвлаш тақиқланади. Колифорния штати қонуни эса, бундан ҳам ҳайратланарли: Колифорнияда мушуклар мактаб, ресторан ва ибодатхоналардан 1500 фут узоқда «сайр» қилишлари шарт. Акс ҳолда, улар қонунни бузганликда айбланади ва тегишли жазога тортилади.

Венгриянинг Лоринц шаҳрида ҳам амалдаги қонун талабларига кўра, мушукларнинг эркин сайр этиши мумкин эмас. Бу шаҳарда мушуклар фақатгина эгаси ҳамроҳлигида, шунда ҳам, бўйнига махсус занжир тақилган ҳолда сайр қилиши шарт. Акс ҳолда, қонунга «бўйсунмаган» мушук жазога тортилади.

Колорадо штатининг Стерлинг шаҳрида эса, бундан ҳам ғаройиб қонун амал қилади. Бу шаҳарда мушуклар кўчага чиққанида, албатта, махсус нур қайтарувчи воситаларга эга бўлиши шарт (худди автомашиналарда бўлгани каби). Акс ҳолда, уларнинг кўчада сайр қилишига рухсат берилмайди.

Шимолий Каролина штати қонунчилигида эса, мушуклар ва кучукларнинг ўзаро «жанжаллашиши» тақиқлаб қўйилган.



Индиана штатида қора рангли мушуклар жума кунига тўғри келувчи ойнинг 13-санасида бўйинларига огоҳлантирувчи қўнғироқча осиб юриши шарт. Акс ҳолда, жазога тортилади.

Нью-Жерси штати қонунларига кўра, ҳар бир мушукнинг бўйнида тўрт дона қўнғироқча бўлиши керак. Ана шундагина мушуклар қушларнинг ҳаётига хавф сола олмайди. Иллинойс штатида қабул қилинган қонун эса, ҳаммасидан ғаройиб. Чунки бу штат қонунчилигида мушукларга сигара ёқиши ва чекиш тақиқланади!

Нима ҳам дердик, ҳар бир давлатнинг ўз қонунлари бор. Фақат бир нарса қизиқ. Мушук жонивор ўзининг хатти-ҳаракатларига нисбатан қабул қилинган қонунлардан хабардормикан?

Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Jinoyat va jazo

Қимматга тушган шўхлик

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шариф билан Амир ҳам Нозимнинг гапини тасдиқлашди.

Шунда ҳалидан бери тенгдошларининг суҳбатини жимгина тинглаб ўтирган Алишер гапга аралашди.

— Савлатларингдан от ҳуркади, — деди у салмоқлаб. — Яна ёш болага ўхшаб «пулимиз йўқ», деб ўтирганларингга ўлайми? Шундай кўчага чиқиб, пул топишинг мумкин...

Алишернинг тагдор гаплари аввалига йигитчаларни ўйлантириб қўйди. Анча жимликдан сўнг биринчи бўлиб Амир тилга кирди:

— Алишер, нималар деяпсан? Ахир, бировнинг чўнтагига қўл солиш гуноҳ-ку?! Сизларни билмадим-у, аммо мен бундай ишга қўл урмайман.

Амирнинг сўзларини эшитган Алишер ёлғондакам қаҳ-қаҳ отиб кулди. Сўнг жиддийлашиб:

— Менга қара, сенларга бировнинг чўнтагига қўл сол, деяётганим йўқ-ку. Пул топишнинг бундан бошқа йўллари ҳам бор, — деди.

Сўзининг сўнгида Амирга қараб, «агар қўрқаётган бўлсанг, сен кетавер», дейишни ҳам унутмади. Шундан сўнг у бафуржа ўз «режа»сини баён қилди. У тузган «режа» ғўр йигитчаларга маъқул тушди.

«Қўрқоқ» деган сўз эса, Амирнинг иззат-нафсига тегди. Алишернинг гапига қасдма-қасд у ҳам жўраларига эргашди.

Алишернинг «режа»сига кўра, улардан бири ёлғиз келаётган, қўлида телефони бор ёшроқ болани тўхтатади. Ундан бирровга қўнғироқ қилиб олишни сўрайди. Агар кўнса, нур устига нур: телефонни олади-ю, қочиб қолади. Борди-ю кўнмаса, бошқалар «ёрдам»га келади.

Хуллас, 2010 йилнинг 25 декабрь куни соат 14.00 ларда Равшан, Нозим, Шариф ва Амир Юнусобод туманида жойлашган «Турон» маҳалласидаги «Турон» тўйхонаси олдида йиғилишади. Узоқдан телефонда гаплашиб келаётган Мансур Алиевни кўрган Равшан шерикларига «тайёр турингглар» дегандек ишора қилиб, ўзи Мансурнинг йўлини тўсиб чиқиб, телефонини сўрайди. Ҳамон телефондаги сўзлашувини тугатмаган Мансур унга эътибор ҳам бермай ўтиб кетади. Бундан жаҳли чиққан Равшан М. Алиевнинг орқасидан бориб, бошига туширди. Кутилмаган зарбадан қалқиб ерга йиқилган Мансур бошқаларнинг ҳам тепкиси остида қолди. Бу пайтда Равшан Мансурнинг 250.000 минг сўмлик «Нокия-5130» русумли қўл телефони ва 50.000 минг сўмлик бош кийимини олди-ю, ҳаммалари кўздан ғойиб бўлди.

Биринчи «ов» юришганидан ғурурланган ҳамтовоқлар маълум вақт ўтиб, келишилган жойда яна учрашишди. Кейин аввалдан келишилганидек, тўдабоши — Алишерга қўнғироқ қилишди. Ваъдага мувофиқ етиб келган Алишер қўлга киритилган телефонни 115.000 сўмга баҳолаб, сотиб олди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб уларнинг чўнтагидаги пулнинг чўғи ўча бошлайди.

Хуллас, тўртовлон 2010 йилнинг 30 декабрида яна ўша жойда, яъни «Турон» тўйхонаси олдида тўпланишади. Бу гал талончиларга Ҳамид Фармонов «ўлжа» бўлади. Ҳамиднинг 70 минг сўмлик «Самсунг-Д-600» русумли қўл телефони, ҳисоб рақамида 10.000 сўм маблағи бўлган пластик карточкаси жиноятчилар қўлига ўтади. Воқеалар ривожи эса, аввалгича: Алишерга қўнғироқ қилинади. У келиб телефон аппаратини 36.000 сўмга баҳолайди. Пластик карточкани эса, ташлаб юборишни маслаҳат беради. Тўртовлон бу кўрсатмани қулоқ қоқмай адо этишади...

2011 йилнинг 3 ва 4 январь кунлари ҳам ушбу гуруҳ «Турон» тўйхонаси олдида кетма-кет яна икки марта талончилик жиноятини содир этади.

Халқимизда «бузоқнинг югургани сомонхонагача», деган нақл бор. Навбатдаги «ов»га чиққан тўртовлон бу гал ўзлари «ўлжа»га айланишди. Улар биринчи сўроқ пайтидаёқ Алишер Раббимовнинг кўрсатмасига асосан жиноятга қўл уришганини тан олишди. Алишер қўлга олинганда унинг ёнидан чиққан фуқаро Ў.Бахтиёровга тегишли, тўртовлон томонидан талончилик йўли билан тортиб олинган «Нокия-1202» русумли телефон ашёвий далилга айланди...

Жиноятчилар қўлга тушди ва суд томонидан улар тегишли тартибда жазога тортилди. Мақоламизни ана шу сўзлар билан ҳам якунлашимиз мумкин эди. Лекин баъзи бир саволлар бунга йўл қўймади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, биз юқорида исм-фамилияларини келтириб ўтган йигитчалар ҳаётдаги энг улуғ неъмат — вақтни бой бермадиларми? Агар улар эгрилик кўчасига кирмай, тўғрилик сари юришганида эрта бир кун ҳаммамизнинг ҳаваси келадиган ҳаёт қуришмасмиди?! Ахир, инсон умри эзгулик билан мазмун касб этмайдими?

Назаримизда, ён-атрофимизда бирон-бир ёш эгри йўлга қадам қўйса, бунда ҳаммамизнинг айбимиз бор. Зеро, Абдулла Авлоний айтганидек, «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат масаласидур»!

Демак, ёшлар тарбияси борасида ҳар биримиз ҳамиша масъуллигимизни эсдан чиқармайлик.

Умид ДАВРОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг раиси
Ислом ҲАМРО,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7653.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 20⁰⁰